O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 20 октябрь, № 206 (4105) Жума

# ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ, ОДАМЛАРНИНГ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИГА ҚАНОТ БЕРИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИ





## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!
Ҳурматли депутатлар!

Аввало, бугун сиз азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга, сизлар орқали бутун Фарғона аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Сизлар билан мана шу таркибда, яъни Фарғона вилояти депутатлари ва фаоллари билан учрашганимизга ҳам, мана, икки йилдан кўпроқ вақт бўляпти.

Шунинг учун ҳам бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишдан олдин ўтган давр мобайнида Фарғона вилоятида амалга оширилган ўзгаришлар, эришилган ютуқ ва натижалар билан бирга, бу ерда мавжуд бўлган, ҳали-бери ечилмасдан келаётган муаммолар ҳақида, одамларнинг кайфияти, муносабати, улар нимадан рози, нимадан норози экани тўғрисида, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг ўзи олдимизга кескин қилиб қўяётган долзарб вазифалар ҳақида гаплашиб, фикр алмашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу ҳақда сўз юритганда, биринчи галда шундай ўта муҳим саволларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб излаш зарур, деб ўйлайман: бугунги кунда бизнинг эзгу мақсадларни кўзлаб қилаётган саъй-ҳаракат ва амалий ишларимиз оддий одамларнинг ҳаётига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Фарғонанинг бой ва ҳар томонлама ҳавас қиладиган салоҳият ва кенг имкониятларини, вилоят меҳнаткашларини ана шу мақсадларга эришиш учун бирлаштириш, сафарбар этиш ишлари қай даражада йўлга қўйилган?

Умуман айтганда, вилоятда ишни ташкил этиш, бугунги замон талаб қиладиган янгиликларни ҳаётга жорий этиш, ишлаб чиқариш тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш, одамларнинг турмуш даражасини янги босқичга кўтариш, энг муҳими, бу борадаги бошқариш ва ташкилотчилик ишларининг савияси ва самараси ҳақида атрофлича гаплашиб олишимиз керак.

Фарғонанинг кўҳна ва бой тарихи, улкан салоҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бу вилоят ўзининг буюк алломалари, ноёб истеъдод эгалари, асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган урф-одат ва анъаналари, табиий, иқтисодий ва маънавий салоҳияти ҳамда бошқа кўп-кўп хусусиятлари билан мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос алоҳида ўрин тутади.

Бу қутлуғ заминдаги қадимий цивилизация ва маданият дурдоналарини ўзида мужассам этган кўҳна шаҳарлар Ватанимиз тарихининг ёркин саҳифаларини ташкил этади.

Биргина Қўқонни оладиган бўлсак, бу латиф шаҳар халқимиз, миллий давлатчилигимиз тараққиёти билан боғлиқ қанча-қанча унутилмас воқеаларга гувоҳ бўлганини, кўплаб атоқли илм-фан, маданият ва санъат намояндалари айнан шу ерда туғилиб, камол топганини барчамиз яхши биламиз.

Ёки 2000 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган сўлим Марғилон шаҳрининг Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ фарзандлари, асрий обидалари билан нафақат юртимиз, балки мусулмон оламида қозонган шуҳрати, обрў-эътиборини ҳар қанча таърифласак арзийди.

Қадимий Кубо — бугунги Қува заминидан етишиб чиққан, ўзининг илмий кашфиёт ва ихтиролари билан дунёга машҳур бўлган буюк бобомиз Аҳмад Фарғонийнинг номи бугунги кунда бутун ўзбек халқининг ғурур ва ифтихорига айланиб кетган.

Ўзбекистон деб аталган гўзал юртимизга Оллоҳ таоло қандай неъматларни ато этган бўлса, буларнинг барчасини саховатли Фарғона заминида, бу ҳудудда мавжуд бўлган ер ости ва ер усти бойликлари, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган корхоналар, ривожланган коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, бой меҳнат ресурслари мисолида яққол кўриш мумкин.

Йирик саноат минтақаси бўлган Фарғона вилоятининг бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши қарийб 8 фоизни, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 9 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича эса 9 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бу ерда жойлашган "Азот", Нефтни қайта ишлаш заводи, "Кварц", "Қувасойцемент", Қувасой чинни заводи, "Автоойна", Фарғона механика заводи каби йирик ва ноёб ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки республикамиз иқтисодиётига ҳам катта ва сезиларли таъсир кўрсатади.

Бу корхоналарнинг ҳар бири ўзига хос тарих ва тараққиёт йўлига, тажриба мактабига эга. Уларда минг-минглаб ўз касбига меҳр қўйган, ўз ишининг чинакам устаси бўлган, азму шижоатли инсонлар меҳнат қилмоқда ва шу юртнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Азалдан илм-маърифат маскани бўлиб келган Фарғона вилоятининг илмий салоҳияти ҳам эътиборга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### А. Абдуллаевни Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдухошим Абдуллаевич Абдуллаев Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 октябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Ш. Нурматовни Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Шермат Нурматов Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 октябрь.

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***19 октябрь куни Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари Фарғона ўзининг кўҳна ва бой тарихи, буюк алломалари, ноёб истеъдод эгалари, урф-одат ва анъаналари, табиий, иқтисодий ва маънавий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Вилоятнинг 2000 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Марғилон каби кўҳна шаҳарлари қадимий цивилизация ва маданият дурдоналарини ўзида мужассам этган.

Вилоятнинг бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши қарийб 8 фоизни, жумладан, саноат ишлаб чиқариш бўйича 9 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича эса 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. "Азот", Нефтни қайта ишлаш заводи, "Кварц", "Қувасойцемент", Қувасой чинни заводи, "Автоойна", Фарғона механика заводи каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки республикамиз иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Президентимиз вилоятнинг муайян илмий салоҳиятга эга илм-маърифат маскани эканига ҳам эътиборни қаратди. Бу ерда Фарғона давлат университети, Фарғона Политехника институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиаллари, 93 замонавий касб-ҳунар коллежи, 8 академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда охирги йилларда кўп соҳаларда қолоқликка йўл қўйилмоқда, деди Юртбошимиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, камчилик ва нуқсонлар раҳбарларнинг лоқайд ва бепарволиги натижасида рўй бераётир.

Саноат соҳасида ўтган йили вилоятдаги 11 корхонада, шу йилнинг саккиз ойи давомида эса 10 корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. 10 корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлади. 13 енгил саноат корхонаси тўлиқ қувват билан ишламаяпти.

Вилоятда жорий йил бўйича хусусийлаштириш дастурига киритилган 65 корхона ва объектдан бор-йўғи 35 таси сотилган, чет эл инвесторларига бирорта акция пакети ёки объект сотилмаган.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, жойларда замонавий ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этиш борасида аксарият туманларда амалий ишлар қилинмаяпти. Бувайда ва Данғара, Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳисобга олмаганда, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган биронта саноат корхонаси барпо этилмаган.

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти бўлган чет эл инвестициясини жалб этиш масаласи ҳам Фарғона вилоятида бугунги кунда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Биргина мисол. 2006 йилда вилоятда қарийб 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда бешта лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Аммо шу кунга қадар унинг иккитаси бажарилган, холос. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш бўйича жорий йилга мўлжалланган ҳудудий дастур эса бор-йўғи бир фоиз ижро этилган.

Вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам оқсоқликдан қутула олмаётир. Жорий йилда Бағдод ва Риштон, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманлари ғаллачиликда шартнома режасини бажармади. Ўнлаб фермер ва ширкат хўжаликлари томонидан 15 минг 800 тонна дон кам топширилди.

Кейинги беш-олти йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб, қарийб 6 центнерга камайиб кетди. Бу йил эса пахта бўйича шартнома мажбуриятини бажариш масаласи гумон бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда бу соҳада юзага келган ҳолатни атрофлича таҳлил қилар экан, вилоятда фермер хўжаликларини ташкил этишда кўпинча юзаки иш тутиш ҳолатлари кўзга ташланаётганини жиддий танқид қилди.

Фарғона вилоятидаги мавжуд ижтимоий аҳвол ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи галда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосига тўхталиб ўтиш зарур, деди Президентимиз. Вилоятда ўтган йили янги иш ўринлари яратиш бўйича йиллик режа 64 фоизга, аёллар учун иш жойи ташкил этиш эса 54 фоизга бажарилгани бу соҳадаги ишларнинг қониқарсиз эканидан далолатдир.

Аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган коммунал соҳада ҳам ижобий силжиш сезилмаяпти. Бу соҳада хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш бўйича амалий чоралар кўрилмаяпти.

Президентимиз таъкидлаганидек, турли даражадаги аксарият раҳбарлар одамларнинг ҳаётий интилишларига, дарду ташвишларига эътиборсизлик билан қараб келмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шермат Нурматов Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Марғилон шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Абдухошим Абдуллаев Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Охунбобоев тумани ҳокими Н.Омонов, Қува туманидаги "Мунис-Мукаррам" фермер хўжалиги раҳбари М.Турсунова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Жўрабоев, Фарғона давлат университети ректори М.Аҳмедов, Бешариқ туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори Б.Абдуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий вазифаси эканини таъкидладилар.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Абдувоҳид ТЎРАЕВ,
Муқимжон ҚОДИРОВ
олган суратлар.

*Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро карвон-саройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида «Буюк Ипак йўли. Маданият ва анъаналар. Ўтмиш ва бугун» деб номланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтмоқда.*

## Халқаро илмий-амалий анжуман

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад давлатлараро илмий алоқаларни кучайтириш, юртимиз олимларини халқаро тадқиқот жараёнларига интеграция қилиш ва хориж тадқиқотчиларини Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси билан яқинроқ таништиришдир.

Тадбирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Барри Лейн, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси директори Санжар Каримов, Бадиий академия раиси ўринбосари Жалолиддин Миртожиевлар сўзга чиқиб, тегишли мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, конференцияда ЎзРФА академиги, тарих фанлари доктори Эдвард Ртвеладзе, Сидней (Австралия) Университети тадқиқотчиси Фиона Кидд, Ecole Normale Supurieure Француз Миллий илмий-тадқиқот марказининг бўлим бошлиғи Пьер Лериш каби бир қатор хорижлик олимлар ва тарихчиларнинг илмий маърузалари тингланди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ахбороти

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг хабарига кўра, 2006 йил 19 октябрь куни соат 7 дан 30 дақиқа ўтганда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари томонидан ўқув-машқ машғулотларини амалга ошираётган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига қарашли "Ан-2" самолёти аэродромга қўниш чоғида ҳалокатга учради.

Дастлабки маълумотларга кўра, самолёт экипажи қўниш пайтида об-ҳаво шароитининг кескин ёмонлашгани туфайли бошқарувни йўқотгани натижасида авиаҳалокат содир бўлиб, 15 киши — 2 нафар экипаж аъзоси ва 13 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.

Содир бўлган авиаҳалокатга олиб келган ҳолат ва сабабларни аниқлаш ва текшириш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура идоралари раҳбарларидан иборат таркибда ҳукумат комиссияси тузилди.

Комиссияга авиаҳалокат сабабларини аниқлаш бўйича олиб борилган ишларнинг натижаси тўғрисида аҳолига ахборот бериш вазифаси топширилди.

Ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳар томонлама тегишли ёрдам кўрсатилмоқда.

**(ЎзА).**

## ТАЪЗИЯНОМА

Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати шу йилнинг 19 октябрь куни соат 7.30 да Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида ўқув-машқ машғулотларини амалга ошириш чоғида содир бўлган авиаҳалокат оқибатида ҳалок бўлган учувчи, инструктор ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради ҳамда уларга Оллоҳдан сабр-бардош тилайди.


"ЕМЕК"
ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
дунё мусулмонларининг яқинлашиб
келаётган қутлуғ байрами —
Рамазон ҳайити
муносабати билан Ўзбекистон
халқини, ўз ҳамкорлари ва мижозларини
чин кўнгилдан муборакбод этади.
Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!
Юртимиздан тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонимиздан қут-барака ҳеч қачон аримасин.
Бахт-саодат, омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

*Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан аграр соҳани ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ернинг муносиб эгасини топиш, фермерлик ҳаракатини кенг ёйиш, дала меҳнаткашларининг унумли ва самарали ишлашлари учун барча имкониятларни яратиш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари гапимизнинг исботидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фермерлар иқтисодини юксалтиришда жойлардаги банк муассасалари кўрсатаётган молиявий ёрдамнинг ўрни катта бўлмоқда.*

# ФЕРМЕРЛАР КЎМАКЧИСИ

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё вилояти минтақавий филиали айни дамда, икки юздан ошиқ фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиб келади. Филиал жорий йили пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш, ўз вақтида йиғиштириб олиш учун 1244,567 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратди.



Оқ олтин тумани, «Бобур» фермерлар уюшмасидаги «Баҳор» ҳамда «Техас-Баҳор» фермер хўжаликлари юқоридаги банк муассасасининг ишончли мижозларидан ҳисобланади.

— Умумий ер майдонимиз 102 гектарни ташкил этади, — дейди «Баҳор» фермер хўжалиги раиси Баҳрилло Хўжаев. — Жорий йилда 59,2 гектар ерга «Ан Боёвут-2» ғўза навини экдик. 41 гектар ерга эса «Краснодар-99» навли ғалла уруғини қададик. Фермер хўжалигимизда агротехник тадбирларни амалга оширишда банк филиали имтиёзли кредит ажратиб яқиндан ёрдам берди. Натижада, 101,6 тонна ўрнига, 104 тонна ғалла етиштириб, режани ортиғи билан уддаладик. Ҳар гектар ердан 25-26 центнердан ҳосил олинди. Йил бошида пахтадан 136 тонна ҳосил олишни режалаштирган эдик. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли давлатга 142 тонна қимматли хомашё топширдик. Ҳар гектар ердан 24,6 центнердан ҳосил кўтардик. Олинган ҳосилнинг 57 тоннаси уруғлик пахтадир. Кутилаётган соф даромад фақат пахтанинг ўзидан 60 миллион сўмни ташкил этади.

«Техас-Баҳор» фермер хўжалиги деҳқонлари ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб, ғалла ва пахта топшириш йиллик шартномавий режаларини уддаладилар. Бу ҳақда фермер хўжалиги раиси Келдибой Ҳамзаев шундай дейди:

— Умумий ер майдонимиз 72 гектардан иборат. Шундан 36,4 гектарига пахта, 24 гектарига ғалла, 10 гектар ерга эса чорвачиликни ривожлантириш мақсадида беда эккандик. Йил яхши келди. Ерни тобига келтириб, чигит уруғини қададик. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди. Ғўза қатор ораларига 7 марта ишлов берилди, икки марта суғорилди, ўз вақтида гектарига 250 килограммдан фосфорли ўғит, 550 килограммдан азотли ўғит солинди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Пахтадан 84 тонна ўрнига, 87 тонна юқори навли ҳосил олдик. Давлат омборларига 62,5 тонна ўрнига 65 тонна ғалла топшириб, деҳқонларимизнинг юзи ёруғ бўлди. Менинг ҳисоб-китобимга кўра, пахта ҳосилидан оладиган бу йилги соф даромадимиз 45 миллион сўмдан ошади.

Келдибой аканинг эътироф этишича, жорий йилда «Техас-Баҳор» фермер хўжалиги «Нева-Эффект» ғалла ўриш комбайни харид қилиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» Сирдарё вилояти минтақавий филиалидан имтиёзли фоиз ставкасида 63 миллион сўмлик кредит олган. Бундан ташқари, ОВХ агрегати ҳам ушбу банк сармояси ҳисобидан сотиб олинди. Ҳозир фермер хўжалиги тасарруфида «МХ-140» ер ҳайдов трактори, 2 та «ТТЗ-80-10» транспорт трактори, 2 та «ЭМТЗ-80» чопиқ тракторлари бор. Ушбу техника воситалари фермер хўжалиги деҳқонларига қанот бўлмоқда.

Йиғим-терим даврида «Техас-Баҳор» фермер хўжалиги теримчи-ҳашарчиларга терилган пахта учун иш ҳақларини кунма-кун узлуксиз тўлаб борди. Бунда айниқса, банк ходимларининг ҳиссасини, кўрсатган ёрдамларини алоҳида эътироф этиш лозим. Бугун «Техас-Баҳор» ва «Баҳор» фермер хўжаликлари даласида ғалла майсалари кўм-кўк бўлиб кўкка бўй чўзиб қолди. Пахтадан бўшаган экин майдонлари шудгорланиб, яхоб учун пол олиниб, келгуси йил ҳосилига замин яратилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг минтақавий филиали сирдарёлик фермерларнинг яқин кўмакдошига айланиб бормоқда.

**Норқул МАМИРОВ.**

# ҲАМКОРЛИК — НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

*Бугунги кунда мамлакатимиз ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва уларнинг иқтисодиётдаги кўламию миқёсини кенгайтиришда тижорат банкларининг роли тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни республика «Ғаллабанк»инининг Навоий вилояти минтақавий филиали фаолияти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Ушбу жамоа кейинги йилларда «Ғаллабанк» филиаллари ўртасида ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб, молия бозорига дадил кириб бормоқда. Банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва уни янада эркинлаштиришга қаратилган Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари талабларининг ижросини таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали мижозлар — аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончини қозониш, тизимда ўз нуфузини янада ошириш борасида амалга оширилаётган аниқ тадбирлар шундан далолат беради.*

— Тажриба банк ва мижозлар ўртасида ҳамкорликни рисоладагидек йўлга қўйиш, бу ҳамкорликни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида тобора мустаҳкамлаб бориш туфайлигина барча ниятлар ва режалар ижобат бўлишини кўрсатмоқда, — деди мазкур филиал бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Нодир Каримов биз билан суҳбатда. — Шу боис жамоамиз биринчи навбатда хизмат кўрсатадиган мижозларимиз сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугун ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижасидан мамнунмиз: мижозларимиз сони 834 тага етди. Бу жорий йилнинг бошидаги кўрсаткичдан 52 та кўпдир.

**— Одатда банк фаолиятига баҳо беришда асосий кўрсаткич сифатида мижозларга ажратилган кредитлар ва кредит қўйилмалари ҳисобга олинади. Мазкур йўналишдаги аҳвол, Сизнингча, қониқарлими?**

— Албатта. Бундай дейишимга асос бор. Мисол учун, 2006 йилнинг ўтган ойлари давомида банкимиз томонидан жами 3 миллиард 395,1 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу маблағнинг 503,2 миллион сўми саноатга, 681,4 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 227,5 миллион сўми савдо ва умумий овқатланиш тармоқларига, 999,2 миллион сўми транспорт ва алоқа соҳаларига, 832,5 миллион сўми қурилишга, 35,5 миллион сўми эса маиший хизматга йўналтирилди.

Энди бевосита кредит қўйилмаларига тўхталсак, шу йил 1 октябрь ҳолатига кўра, уларнинг 3 миллиард 928,4 миллион сўмлик қолдиғи мавжуд. Бундан, табиийки, тўлиқ равишда мақсадли фойдаланилди.

**— Банк мижозларининг кўпчилигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ корхоналар ва фермер хўжаликлари ташкил этади. Уларга қандай хизмат кўрсатилди?**

— Аввало, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли ва 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарорлари ҳамда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган 1508-сонли Низомга мувофиқ, жорий йилда банкимиз томонидан бошоқли дон етиштириш учун 119 та фермер хўжалигига 114,9 миллион сўмлик, пахта етиштириш харажатлари учун эса 130 та фермер хўжалигига 360,9 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилган эди. Бугунги кунга келиб, ана шу кредитларнинг ҳаммаси тўла сўндирилди. Чунки банкимиз мижозлари бўлган фермер хўжаликлари ғалла ва пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаларини бажариб, катта миқдорда даромад олишга эришдилар.

**— Шу ўринда банк кредитларидан мақсадли фойдаланиб, юқори натижаларни қўлга киритган фермерларнинг номларини тилга олиб ўтолмайсизми?**

— Бажонидил. Айтайлик, Кармана туманидаги «Юсупов Жумабобо» фермер хўжалиги раҳбари Бозор Юсупов банкдан жами 9,3 миллион сўмлик имтиёзли кредит олган эди. У 20 гектар майдондан 81,2 тонна ғалла ҳосили етиштирди, 18 гектар пахтазордан эса давлатга 20,3 миллион сўмлик саноат хомашёси сотди. Пировардида фермер хўжалиги бўйича 19,1 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди.

Ёки бўлмаса, шу йил май ойида банкимиз томонидан Қизилтепа туманидаги «Жаҳонгир зиё» фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Рўзиевга 5 йил муддатга йиллик 16 фоиз билан 103 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Бу фермер ана шу маблағга ғалла ўриш комбайни харид қилди. Мавсум мобайнида бошқа фермер хўжаликларига кўрсатилган хизматлардан тушган даромад ҳисобига эса жорий йил учун белгиланган 25 миллион сўм қарзни муддатидан аввал қайтаришга муваффақ бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**— Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сонли Қарори талаблари қай даражада бажарилмоқда?**

— Биз бу муҳим ҳужжат биринчи галда кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида янги имкониятлар яратишини ҳисобга олиб, қисқа муддат ичида улардан 92 тасига қорамоллар сотиб олиш учун 76 миллион 924 минг сўм ажратдик. Ушбу маблағнинг 15 миллион сўми Меҳнат бандлиги жамғармаси ҳисобидан, 5 миллион 160 минг сўми Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан, 56 миллион 764 минг сўми эса банкимизнинг ўз ресурслари ҳисобидан берилди.

**— Аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларини банк омонатлари ва депозитларига жалб этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Банкимизда аҳоли учун қулай ва манфаатли бўлган «Имконият», «Саломатлик», «Нафақа-мададкор», «Ишонч» ва «Люкс» сингари омонат турлари амалиётга жорий этилган. 2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, омонатлар қолдиғи 588,9 миллион сўмни, юридик шахслар депозитлари 225 миллион сўмни ташкил қилди.

Банкка жалб этилган аҳолининг бўш пул маблағлари эса иқтисодиётнинг реал секторига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига йўналтирилмоқда. Айни чоғда улар омонатчиларга даромад келтириш баробарида банк ресурсларининг муттасил ошиб боришига ҳам хизмат қилаяпти.

**— Пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш ва коммунал тўловларини қабул қилиш масалаларига қандай эътибор берилаяпти?**

— Бу масалалар ҳам диққат марказимизда турибди. Хусусан, бугунги кунга қадар чакана савдо тармоқларида 23 та, умумий овқатланиш шохобчаларида 7 та терминал ўрнатилган. Шу билан бирга, 4280 дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, улар орқали шартнома асосида 31 та хўжалик юритувчи субъектнинг ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи тўловлари амалга оширилди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида эса маҳаллаларда махсус ташкил этилган мини банкларимизда коммунал тўловларни ҳар куни қабул қилиш йўлга қўйилган. Шу кунгача жами 539,5 миллион сўм маблағ тушум қилинди. Бу — белгиланган режалар ойма-ой бажарилмоқда, дегани.

Шуни алоҳида таъмидлаш керакки, эришилган барча ютуқларимиз банк ва мижозлар ўзаро ҳамкорлигининг мевасидир. Демак, биз бундан буён ишни шу тарзда ташкил этган ҳолда, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб, муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилаверамиз.

***«Халқ сўзи» мухбирлари* Икром ЎТБОСАРОВ, Қурбон ЭШМАТОВ *суҳбатлашди.***



# МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Қашқадарёда йирик молиявий муассасалар билан бемалол рақобатлаша оладиган «Ўқтамбанк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки фаолият бошлаганига саккиз йил бўлди. Бу жамоа ташкил топган кундан бошлаб банк тизимини ислоҳ қилишга доир Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Республика Марказий банки кўрсатмалари асосида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга намунали банк хизмати кўрсатиб келмоқда.*

*2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк мижозларининг сони 1945 тага етди. Шундан 1100 дан ошиғи деҳқон ва фермер хўжаликларидир. Қарши ва Бешкент шаҳарлари, Касби, Косон ва Шаҳрисабз туманлари ҳамда қўшни Сурхондарё вилоятининг Денов туманида эса унинг мини банклари ишлаб турибди. Тез орада Тошкент шаҳрида ҳам ўз филиалини очишни режалаштирган.*




## «Ўқтамбанк»: МИЖОЗЛАРНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан ҳозиргача 75 та кам таъминланган оилага чорва моллари харид қилиш учун 64,8 млн. сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилган бўлса, 2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиғи 311,0 млн. сўмга етиб, йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан эса 32 млн.сўмга кўпайди.

Бундан ташқари, «Ўқтамбанк» ўзи билан ҳамкорликда иш юритаётган фермерларга жорий йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағи ҳисобидан ғалла ҳосили учун 511,7 млн. сўмлик, пахта ҳосили учун 2703,2 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берди. Натижада улар ғалла ва пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаларини ошириб бажаришга эришдилар

Шу билан бирга, банк Президентимизнинг 2005 йил 15 апрелдаги «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

«Ўқтамбанк» 2003 йилнинг апрель ойида республика Марказий банкининг чет эл валютасида операция ўтказиш бўйича махсус лицензиясини олган эди. Шундан кейин банкда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи мижозларга экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва миллий валютадаги маблағларини конвертация қилиш хизматлари йўлга қўйилди. Бугунги кунда эса бу ерда 3 та халқаро пул



ўтказиш шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Мижозлар, айниқса, «Western Union», «Contact», «Vip Money Transfer» хизматларидан мамнун.

Аҳоли ва тадбиркорларнинг бўш пул маблағларини омонатнинг янги турларига жалб этиш, коммунал тўловларни қабул қилиш мақсадида эса Қарши шаҳри ва унинг аҳоли зич жойлашган мавзеларида жамғарма кассалари очилган. Шунингдек, фуқаролар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар ва бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган халқ истеъмоли молларини сотиб олиш учун банкнинг истеъмол кредитларидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Эътиборлиси, «Ўқтамбанк» мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган турли танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг республика босқичида «Ўқтамбанк» «Энг яхши молиявий муассаса» йўналиши бўйича биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, республика Банклар ассоциацияси қошидаги банклар рейтингини аниқлаш бўйича «Ахборот-рейтинг» компанияси хулосасига кўра эса, хусусий банклар ичида иккинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

### Капитал ҳажми кўпаймоқда

Ўзбекистон Давлат мулки қўмитасининг Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази хусусий акциядорлик-тижорат банки — «Ўқтамбанк»нинг умумий номинал қиймати 1,2 млрд. сўмлик акциялари еттинчи эмиссиясини рўйхатга олди.

Қўшимча эмиссия номинали бир минг сўм бўлган 1,2 млн. дона оддий акцияни муомалага чиқариш билан таъминланади. Уларни жойлаштириш эса банкнинг устав сармоясини 59,9 фоиз кўпайтириб, 3,202 млрд. сўмга етказиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда банкнинг устав сармояси 2,002 млн. дона оддий акцияни жойлаштириш ҳисобига 2,002 млрд. сўм миқдорида шакллантирилган. 2005 йил якунлари бўйича ушбу акцияларга номиналнинг йиллик 14 фоизи ҳисобидан дивидендлар ҳисобланди. 2004 йилда бу кўрсаткич 12 фоизни ташкил этган эди.

Устав сармоясининг 8,5 фоизига эга бўлган «Ishonch» банклараро суғурта компанияси, 7,4 фоизига эга бўлган «Moliya binokor xizmat» шўъба корхонаси, 7,4 фоизига эга бўлган «Бинокор» шўъба корхонаси, шунингдек, банк акцияларининг жами 28 фоизига эга бўлган икки нафар жисмоний шахс банкнинг энг йирик акциядорларидир.

2006 йил биринчи ярмида «Ўқтамбанк» активлари 2,02 баравар ўсиб, 7,18 млрд. сўмни, шу жумладан, кредит портфели 68,4 фоиз ўсиб, 4,15 млрд. сўмни ташкил қилди, мажбуриятлари 2,9 баравар кўпайиб, 1,71 млрд. сўмга, сармояси 16,4 фоиз ортиб, 2,15 млрд. сўмга етди.

### Фермерлар эътирофи

1999 йилда Қарши туманидаги «Нукрабод» фермер хўжалигининг 45 гектар ери бор эди. Ҳозирга келиб, унинг экин майдони 104 гектарга етди. Унинг 35 гектарида пахта, 30 гектарида ғалла етиштирилади. Бу йил ғалла тайёрлаш режаси 150 фоиз, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 190 фоиз бажарилди. Кутилаётган фойда ҳам чакки эмас.

Ҳозирги кунда фермер хўжалигининг 3 та ҳайдов, 3 та чопиқ трактори, «КамАЗ» ва «Газ-53» русумли машиналари, ғалла ўриш комбайни мавжуд. Чорвачилик фермасида эса 60 дан ортиқ қорамол парваришланаяпти.

— 1999 йилда ишни йўлга қўйиш учун «Ўқтамбанк»дан 45 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олгандим, — дейди «Нукрабод» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Жўраев. — 2002 йилга келиб, ундан тўлиқ қутилдим. Шундан кейин банк менга яна 25 миллион сўм кредит берди. Бу маблағга чорвачилик хўжалигини ташкил этдим. Чунки чорвасиз фермер — фермер эмас. Гап шундаки, қорамолларнинг гўшти ва сути ишчиларимизнинг дастурхонини тўкис қилса, уларнинг гўнги —ернинг дармондориси. Ҳар йили ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштиришимизнинг боиси шундан.

Мақтанаяпти, деманг-у, олган фойдамиздан имкон даражасида ҳомийлик ёрдами ҳам кўрсатиб келаяпмиз. Масалан, туман марказий шифохонаси, маҳалла йўллари, қишлоғимиздаги 8-мактаб биноларида таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Бу йилги фойдадан эса яна битта ҳайдов трактори сотиб олмоқчимиз, мевани қайта ишлайдиган корхона қурмоқчимиз.

Миришкор туманидаги «Хўжан» фермер хўжалиги ҳам «Ўқтамбанк» кредити ёрдамида қаддини тиклаб олган жамоалардан ҳисобланади. Ушбу хўжалик чўл зонасида жойлашган бўлишига қарамай, жорий йилда ғалладан 50, пахтадан 25 центнердан ҳосил хирмони уйди. Яқинда эса банк бу фермер хўжалигига ишонч билдириб, яна катта миқдорда кредит ажратди. Фермер ушбу маблағ ҳисобига «ВТ-150» русумли занжирли трактор сотиб олди.

### Бўлажак чемпионлар — оталиқда



«Ўқтамбанк» жамоаси соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болалар спортини ривожлантириш масалаларини ҳал этишга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк кенгаши раиси Отабек Турсунов — вилоят кураш федерацияси ижрочи директори ва Қарши шаҳридаги «Чемпион» спорт клуби президенти. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Қарши туманидаги Ҳилол қишлоғида болалар спорт мажмуаси бунёд этилмоқда. Бу иншоот қурилиши якунлангач, унда спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланиш учун имкониятлар яратилади.

Иқтидорли ёш спортчилар учун эса банк ҳомийлигида Яккабоғ туманининг энг хушманзара ва сўлим гўшаси — Татар қишлоғида ёзги соғломлаштириш масканини қуриш ҳам мўлжалланмоқда.

— Қашқадарё — полвонлар юрти,— дейди Отабек Турсунов. — Жорий йилда Қаршида ўтган «Умид ниҳоллари -2006» мусобақаларида вилоятимиз полвонлари фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб, буни яна бир карра исботладилар. Ишончимиз комилки, улар келгусида халқаро турнирлар, жаҳон чемпионатларининг совриндорлари бўладилар. Шу боис вилоятимизда кураш бўйича турли турнирлар уюштираяпмиз. Йил охирида эса банкимизни очишда бош-қош бўлган Ўқтам Турсунов (марҳум) хотирасига бағишланган халқаро кураш турнирини ўтказишни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан, шунингдек, банк томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 3,0 млн.сўмлик, «Насаф» клубини қўллаб-қувватлашга 1,0 млн. сўмлик, «Нуроний» жамғармасига 0,2 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

### Истиқбол режалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, «Ўқтамбанк» бир қатор устувор вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жумладан, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш ҳақи, коммунал ва бошқа хизматларга тўловлар учун пластик карточкалар кенг жорий этилади, аҳолига хизмат кўрсатувчи мини банклар, жамғарма кассалари ва банкоматлар тармоғи кенгайтирилади.

Фақат шугина эмас. Ходимлар малакаси муттасил ошириб бориладди, шу мақсадда улар мамлакатимиздаги ва хорижий давлатлардаги энг нуфузли ўқув марказлари ва банкларга тажриба алмашишга юборилади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланади, уларга ҳар томонлама қулай ва жаҳон талабларига жавоб берадиган банк хизматлари кўрсатилади. Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни миллий ва хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ишлари янада фаоллаштирилади.

Бугунги кунда банк жамоаси ана шу эзгу ниятда астойдил ҳаракат қилмоқда.

***Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

